



“Ўгузнома” достони туркий халкларнинг китобий эпосларидан биридир. Туркий халклар тарихида иккита китобий достон бўлиб, “Дада кўркут китоби” ва “Ўгузнома” дир.

Достон эски уйгур-турк ёзувида битилган, асл матни Париж миллий кутубхонасида сақланади.

Достонга уругчилик жамиятидаги миф ва афсоналар асос бўлган. Тузилиш жихатидан “Ўгузнома” Кул тигин ёдгорлигига ўхшаш. Достондаги мифологик катлам, ўгузнинг аниқ бир географик мухитдаги фаолияти шундан далолат беради. “Ўгузнома”нинг бошланмасида ҳам шундай хусусият мавжуд бўлиб, уругларнинг пайдо бўлишига оид афсоналар билан туркий уруглардан Ашин уругининг пайдо бўлишига оид афсона ўртасидаги уйғунлик, қадимги турк давридаги култлар – дарахт, бўри, осмон култларининг қадимги туркий ёдномаларда ва “Ўгузнома”да умумийлиги ҳам мазкур достоннинг тараккиёт йўлини белгилайди.

“Ўгузнома” икки қисмдан иборат. Биринчи қисм мифологик катлам бўлиб, бунга Ўгузнинг гайритабиий тугилиши ва гайритабиий улгайиши, ёвуз шункорга қарши қурашиши ва уни ўлдириши лавхалари қиради. Иккинчи қисми эса тарихий достонларга хос воқеалардан иборат. Бу қисмга Ўгузнинг уйланиши, фарзандларининг тугулиши, жанг лавхалари ва турли мамлакатларни босиб олиши, ўгилларига ўз қўл остидаги юртларни бўлиб бериши лавхалари қиради.

Илмий адабиёт:

А.М. Шербак. Огуз-наме. Мухаббат-наме. Л.: 1959.

Н. Рахмонов. “Ўгузнома” (ёки хокон хакида достон). “Шарк Юлдузи” журн. 1987,